Куч — адолатда!

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 11 апрель

14 (405)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:

# ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

***10 апрель куни Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Тошкентга келди.***

***"Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Украина раҳбарининг якками-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон-Украина муносабатларига доир масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.***



Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этиб келинади. Президентларнинг суҳбати давомида илгари эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг бориши, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ироқда кечаётган воқеалар, Афғонистондаги тикланиш жараёни, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид масалаларни муҳокама қилиб, бу борада икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Айниқса, Афғонистондаги тикланиш ишларида йўлсозлик, кўприксозлик, транспорт каби кўплаб соҳалар вакиллари самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Украина раҳбарларининг қарашлари бир-бирига ҳамоҳанг. Бу сафар Леонид Кучма мамлакатимизга Украина Президенти ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси сифатида келган. Ўзбекистон ва Украина ушбу тузилмани ислоҳ этиш ва ривожлантиришнинг таклиф ва ташаббуслари борасида ҳам доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Президентлар суҳбат давомида Ҳамдўстлик доирасидаги интеграция жараёнларини жадаллаштириш, хусусан, аъзо мамлакатлар ўртасида кўп томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни кенг ривожлантириш учун Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномани кучга киритиш масалаларини муҳокама этди.

Шунингдек, "Дўрмон"-даги музокаралар чоғида халқаро терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди. Тегишли идоралар ўртасида бу борада ахборот алмашувини янада яхшилаш, уларнинг ҳамжиҳатлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон-Украина ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари алоҳида ўрин тутади. Масалан, мамлакатимиз ўз товарларини хорижий мамлакатларга Украина портлари орқали юборишдан манфаатдор. Леонид Кучманинг ўтган галги Тошкентга ташрифи чоғида бу масала кўтарилган ва мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилган эди. Шунинг натижасида бу борада ижобий ўзгаришлар кўпаймоқда. Суҳбат давомида бундай силжишларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаб боришга келишиб олинди.

Учрашув якунида бундай икки томонлама мулоқотлар ҳамкорликнинг нафақат жорий босқичини таҳлил этиш, балки унинг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олиш, муносабатларни кўп томонлама асосда янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг Украина раҳбари билан бу галги учрашуви эса, анъанавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва тенглик асосида равнақ топиб бораётган алоқаларимизга янги суръат бахш этишига ишонч билдирилди.

**(ЎзА).**

***Ўтган йили Қоракўл туманида 437 нафар ишсиз иш билан таъминланган эди. Бу йилги ишлар ҳам ўтган йилдагидан чакки эмас.***

2003 йилнинг дастлабки чорагида 642 та янги иш ўринлари яратилди, – деди туман меҳнат, иш билан бандлик ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Н. Ҳайитов

## ИШ БИЛАН БАНДЛИК

«Туркистон-пресс» мухбирига. – «Устоз-шогирд» усули бўйича 62 киши янги касбларни ўрганмоқда.

Н. Ҳайитовнинг таъкидлашича, ушбу усул шарофати билан 220 нафар ишсиз фуқаролар тикувчилик, зардўзлик, дурадгорлик, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирловчи каби янги касбларни ўрганишди.

Ўқиш даврида уларга 3 миллион 628 минг сўм стипендия тўланди, 113 нафар фуқароларга эса 646 минг 647 сўм ишсизлик нафақаси тўланди.

Хусусий фирмалар, жумладан Дилбар собирова раҳбарлик қилаётган «Нозимахон» ишлаб чиқариш фирмаси биз билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда,—дея сўзида давом этди Н. Ҳайитов. — Ушбу ҳамкорлик туфайли ўтган йил охирида 8 нафар қиз ишга жойлаштирилди. Жорий йилнинг уч ойида улар тикувчи ва зардўзлик ҳунарларини эгаллашди. Эндиликда улар «Нозимахон»нинг тўлақонли аъзолари бўлишди.

*Муносабат*

## ИРОҚ ОСМОНИДА ҚУЁШ ПОРЛАЙДИМИ?

***Ироқ осмонида қуёшни тўсиб бутун мамлакатга кўланка солган қоп-қора булутлар кезмоқда. Бу жанговар ҳаракалар бошлангандан буён тиним билмай аёвсиз ёнаётган нефть қудуқларидан кўкка ўрлаган қора тутунлар.Олов ва тутун вахшат ила тобора кўпроқ манзилгоҳларни ўз домига тортмоқда.***

Асли Ироқ осмонида қора булутлар бугун пайдо бўлган эмас. Саддам Ҳусайннинг диктаторлик режими хокимият тепасига келгандан бошлаб мамлакат тутун кўланка ичида қолди.Халқнинг озодлигини, фаровонлигини ўйлаб иш тутадиган ҳур фикрли кишилар аёвсиз қувғин қилинди. Давлат идораларида, корхона ташкилотларида, минг-минглаб аҳоли истиқомат қиладиган катта-кичик ҳудудларда сўзсиз итоаткорлик муҳити вужудга келтирилди. Демократияни, халқнинг эркин овозини қўллаб-қувватлаш лозим бўлган матбуотнинг қўлига кишан солинди. Мамлакатда террор ва агрессияга мойиллик кучайди.

Бугун дунё матбуотида Ироқ атрофидаги вазият, харбий ҳаракатлар хусусида турлича фикрлар билдирилмоқда. "Жафокаш" Ироқ ҳукуматини, шахсан унинг Президентини ошкора қўллаб-қувватлаётганлар ҳам оз эмас.Лекин ўз халқини қуллик ва истибдодга махкум этган раҳбар "жабрдийда" қиёфасида намоён бўла оладими? Ахир у уруш бошланмасдан анча олдин, аниқроғи салтанат тожини кийганидан бошлабоқ халқдан ўзини узиб қўймаганмиди? Фақат ўз тинчини, оила аъзоларининг хавфсизлигини ўйлаб ўқ ўтмас, қалин ер ости бункерлари қурмаганмиди?

Ҳа, Ироқда бугунми, эртагами уруш ёки бошқа машъум бир фалокат барибир рўй бериши муқаррар эди. Чунки, диктаторлик режими чириган, таг-тагидан емирилган. Мамлакатни куч ва зўравонлик, қўрқитиш ва таҳдид орқали бошқариш албатта таназзулга олиб келади.

Шу боис Ироқ атрофидаги воқеаларни кузатар эканмиз ҳарбий ҳаракатлар тезроқ хотима топишини, ўлкада тинчлик ва озодлик, чинакам демократия қарор топишини истаймиз. Чунки ҳурлик бор жойда тараққиётга эришилади. Ватан деган сўзнинг маъносини эндигина англаётган Ироқ фарзандлари учун истиқбол эшиклари очилади. Шарқ цивилизациясининг қадимий бешикларидан бири бўлган бу мамлакатнинг ёпиқ эшиклари қайта очилади.

Биз бу фикрларни "Адолат" социал-демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгашининг йиғилишларида кўп маротаба таъкидлаганмиз. Партия фаолларининг Темурйўл туманидаги "Ёшлик", "Йўнғичқаариқ", "Севали", Мақсуд Шайхзода маҳаллаларида фуқаролар билан бўлиб ўтган мулоқотларида ҳам Ироқдаги воқеаларга доир шундай соғлом хулосалар чиқарилди. Чунки дунёда содир бўлаётган воқеалар моҳиятини халққа тўғри етказиш, фуқаролар онгини шакллантириш сиёсатчилардан ҳушёрликни, сезгирликни талаб қилади. Ироқ атрофидаги вазият юртдошларимизни лоқайд қолдирмаяпти. Эртага бу мамлакатни кимлар бошқаради,унинг беҳисоб бойлигини халқ қачон эгалик қилади-ю демократик ислоҳотлар қай тартибда амалга оширилади-Ироқ тақдири шуларга боғлиқ.

**Жуманиёз АЛИБЕКОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгашининг биринчи котиби.**

*Кураш*

## БЕШ ҚИТЪА АЛПЛАРИ ТЕРМИЗДА БЕЛЛАШДИЛАР

***4-5 апрель кунлари Термиз шаҳрида кураш бўйича Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VI халқаро турнир зўр муваффақият билан ўтказилди.***

Ўзбек халқи қадриятининг ажралмас бир қисми бўлган миллий курашимиз бугун жаҳон бўйлаб ўз тантанасини нишонлаяпти. Таркибига дунёдаги 66 давлат кураш федерацияларини жамлаган Кураш Халқаро ассоциациясининг довруғи кун сайин ошиб бормоқда. Курашга бўлган қизиқиш тобора ўсмоқда. Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган VI халқаро турнирнинг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, мусобақаларда ер куррасининг беш қитъасидан донгдор полвонларнинг иштирок этганлиги сўзимизнинг амалий исботи бўлди.

"Алпомиш" ўйингоҳи икки кун мобайнида курашсевар мухлислар билан гавжум бўлди, десак муболаға бўлмайди. 8,5 минг кишига мўлжалланган стадионда 20-25 минг нафар томошабин йиғилди. Беллашувларда дунёнинг йигирмага яқин давлатидан 200 нафарга яқин полвон етти (60,66,73,81,90,100 килограмм) вазн тоифалари бўйича гиламга чиқдилар. Мусобақага кураш бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, кўплаб халқаро беллашувларнинг ғолиб, совриндорлари Карлос Эдуардо Ханорато, Александр Гуедес (Бразилия), Али Ризо Санойи (Эрон), Селим Татар ўғли, Бекташ Демирэл (Туркия), Павел Малаванец (Польша), Марк Скотт (Канада), Даниэл Смит (Буюк Британия) сингари паҳлавонларнинг ташриф буюрганлиги турнир нуфузини янада ошириб юборди.

Турнирнинг дастлабки кунида 66,81,90 ҳамда 100 килограммгача бўлган вазн тоифаларида ғолиблар аниқланди. Баҳслар кураш бўйича Европа чемпиони, жаҳон чемпионати бронза медали совриндори туркиялик Бекташ Демирэл (66 кг.) ҳамда ўтган йилги Осиё чемпиони термизлик Тўрабой Ўтаевлар беллашуви билан бошланди. Мухлислар Тўрабойдан кўп нарса кутишганди. Ҳатто уни турнирнинг совриндорларидан бири бўлади, деб башорат қилишганди. Бироқ, у дастлабки баҳсдаёқ Бекташ Демирэлдан енгилиб, мусобақани давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Туркиялик полвон чорак финалгача муваффақият қозониб, яна Акром Абдулаҳадов, Суҳроб Бозоровларнинг курагини ерга теккизди. Фақатгина у чорак финалда пойтахтлик Шерзод Раҳмоновга ютқазиб қўйди. Мазкур вазн тоифаси финалида Сурхондарёнинг иқтидорли полвонларидан бири Суҳроб Дўстов наманганлик Аюбхон Камоловга рўбарў келди. Кўпчилик Аюбхоннинг ғалаба қозонишига ишонганди. Бироқ аввалги турнир совриндори бўлган Суҳроб яна бир карра ўз маҳоратини намойиш эта олди. У ҳал қилувчи баҳсда икки марта ёнбош усулини қўллаб шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шу вазн тоифасида фахрли учинчи ўринни Шерзод Раҳмонов (Қашқадарё), Олим Равшанов (Тошкент) эгалладилар.

Мусобақанинг илк кунида қолган вазн тоифаларида ҳам баҳслар қизғин ва муросасиз ўтди. Ғолиблик қуйидаги полвонларга насиб этди: **(81 кг вазнда) 1.Исоқ Аҳмедов (Қашқадарё). 2. Александр Гуедес (Бразилия). 3. Рамзиддин Саидов (Бухоро), Фарҳод Тўраев (Тошкент). (90 кг вазнда) 1. Карлос Ханорато (Бразилия). 2. Парвиз Собиров (Тожикистон), 3. Давлат Чориев (Тошкент вилояти), Али Ризо Санойи (Эрон). (100 кг вазнда) 1. Камол Муродов (Тошкент). 2. Лазиз Қобилов (Тошкент вил.). 3. Фарҳод Жўллиев (Сурхондарё), Ориф Қувватов (Қашқадарё).**

Беллашувларнинг иккинчи кунида ўйингоҳ мухлислар билан тўлиб тошди. Ҳатто ўйингоҳга туташ бинолар томлари, дарахт ва деворларнинг устларига ҳам одамлар чиқиб кураш томоша қилишди.



Мутлақ вазн тоифасидаги паҳлавонлар беллашуви ҳамиша шиддатли ва кескин ўтган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мамлакатимиз Президенти совринига сазовор бўлиш учун дунёнинг энг сара полвонларидан йигирма етти нафари гиламга чиқди. Айниқса, ишқибозлар дзюдо бўйича Сидней олимпиадаси совриндори, кураш бўйича бир неча карра жаҳон чемпиони туркиялик Селим Татар ўғлининг ҳар бир чиқишини қарсаклар билан олқишлаб туришди. Биринчи босқичда у шаҳрисабзлик Нодирхон Музаффаровни ҳеч бир қийинчиликсиз енгди. Иккинчи даврада юртимизнинг донгдор полвонларидан бири қашқадарёлик Маҳмадўст Тошев туркиялик курашчига рўбарё келди. Селим Татар ўғли Маҳмадўстни икки бора ёнбош йиқитиб, ғалаба қозонди. Фақат чорак финалда термизлик Ҳамза Зиёвуддинов турк полвонига муносиб қаршилик кўрсатишга муваффақ бўлди. Рақиби билан басма-бас олишган Ҳамза ҳатто Селимни ёнбошлатиб очколар ҳисобида олдинга ҳам чиқиб олди. Аммо тажриба борасида ҳамюртимиздан анча устун бўлган баҳс тугашига саноқли сониялар қолганида турк паҳлавони Ҳамза Зиёвуддиновнинг курагини ерга тегизди.

Ярим финал баҳсларини ишқибозлар тик турган ҳолатда зўр эътибор ва қизиқиш билан кузатиб боришди. Бу беллашувларда туркиялик Селим Татар ўғли эронлик Саид Хисравий Нажод билан, таниқли полвонлардан бири Эрали Маҳмарасулов ёш ва иқтидорли вакилимиз Абдулла Тангриев билан курашди. Туркиялик тажрибали полвоннинг эронлик 22 ёшли Саид Хисравий Нажодни енгиши учун бир дақиқаю йигирма беш сония кифоя қилди. Эрали ва Абдулла полвонларнинг кураши айниқса, эътиборли бўлди. Абжир полвон Абдулла Эралидек баҳодирни биринчи бел олишдаёқ енгил соф ғалаба қозонди.

Президент соврини-"Нексия" автомобилини қўлга киритиш учун ҳал қилувчи баҳсда Ўзбекистон ҳамда Туркиянинг энг зўр полвонлари гиламга чиқдилар. Ўша паллада курашни кузатганларнинг аксарияти сўзсиз туркиялик полвон ғалаба қозонса керак, деган хаёлга борган бўлиши шубҳасиз. Чунки жуссаси ва келбати Абдуллага нисбатан анча йирик бўлган Селим Татар ўғли бир қарашда кишида шундай тасаввур уйғотиши табиий эди. Бироқ Абдулла ўзидан вазни анча оғир ва жуда катта давраларни кўрган рақиби билан муносиб курашди. Абдулла Тангриев баҳсда бир "чала" баҳосини қўлга киритиб, мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Музаффар курашчимиз Ўзбекистон Президенти соврини — "Нексия" автомобилига сазовор бўлди.



VI турнирнинг қолган вазн тоифалари бўйича қуйидаги полвонлар шоҳсупага кўтарилди: **(60 кг вазнда) 1. Рустам Боқиев (Тожикистон). 2. Ўткир Эгамов (Бухоро). 3. Исмоил Низомиддин (Афғонистон), Фурқат Маматов (Самарқанд). (73 кг вазнда) Бобомурод Рустамов (Сурхондарё). 2. Сирожиддин Эшонкулов (Самарқанд). 3. Элбек Орипов (Қашқадарё), Холмўмин Эргашев (Тошкент вил.).**

Мусобақа якунида вазн тоифалари бўйича совринли ўринларни қўлга киритган курашчиларга Сурхондарё вилояти ҳокими Тошмирзо Қодиров, Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсуповлар мусобақанинг олтин, кумуш, бронза медалларини ҳамда биринчи ўрин соҳибларига 1,5 минг, иккинчи ўринни эгаллаганларга 750, учинчи ўрин соҳибларига 500 АҚШ доллари миқдоридаги мукофотларни топширдилар. Турнирнинг мутлақ ғолиби Абдулла Тангриевга Президент соврини — "Нексия" автомашинасининг калити тақдим этилди.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**"Адолат" газетаси учун махсус тайёрлади.**

**Суратларда: мусобақадан лавҳа: Ўзбекистон Президенти соврини соҳиби, мутлоқ чемпион Абдулла Тангриев.**

**Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

*"Пахта Банк" одимлари*

## САРҲИСОБ

***Тошкентда республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири акциядорлик тижорат "Пахта Банк" акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.***

Бугунги кунда 69 мингдан зиёд акциядорларига эга бўлган "Пахта Банк" 13 та вилоят бошқармаси, 183 та бўлимлари орқали мулкчилик шаклининг барча кўринишидаги 230 мингга яқин мижозларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Йиғилиш давомида мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигини тараққий топтиришда етакчи ўрин тутган ушбу банкнинг 2002 йилдаги даромадлари сарҳисоб қилинди, фаолияти якунлари муҳокама этилиб, шу даврга мўлжалланган стратегик ривожланиш дастурлари ва банк бюджети режалари асосан бажарилганлиги қайд этилди ҳамда банкни 2003 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Жумладан, ўтган йилда эришган ютуқлари ҳақида гап борар экан, республикамиздаги иқтисодий ўзгаришлар жараёнида, "Пахта Банк" ўтган ҳисобот йилида асосий эътиборни иқтисодиётнинг агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилиш, мижозлар базасини ўстириш, банк хизмати ҳамда маҳсулот турларини кенгайтириш, омонатчилар ва банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоялаш мақсадида бизнес-режа ва бюджетни бажаришга ҳамда белгиланган миқдорда фойда олишга қаратди. Банк барча йўналишлар бўйича рентабелликнинг барқарорлигини таъминлади ва барча ўрнатилган иқтисодий меъёрлар кўрсаткичининг бажарилишига эришди. Айниқса, банкнинг капитал базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни кўпайтириш, шу ўринда инвестицион жараёнларнинг асосий бўғинига айланган ҳолда мижозларнинг ҳақиқий ҳамкори сифатида фаолият юритиш борасидаги саъй-ҳаракатлари акциядорлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ҳисобот йилида банк кредит портфели 1,5 марта ўсди ва 2002 йил 31 декабрь ҳолатига 87 миллиард сўмни ташкил этди. 2002 йилда ҳам банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб қилиш ишлари кескин фаоллашди.

Ўтган йил давомида тадбиркорларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6 минг 465 та лойиҳа бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдори 15 миллиард сўмни ташкил этди ва 12 мингга яқин янги ишчи ўринлари барпо этилди. Жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 4 минг 800 та лойиҳа бўйича 12 миллиард сўмга яқин кредит ажратилди.

Эътиборли томони шундаки, банк фойдасининг 25 фоизи ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредитлаш Жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ўрта ва кичик бизнес субъектларига 8 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Бунинг натижасида жойларда 7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилиб, бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи кескин ортганлиги қайд этилди.

Қолаверса, ҳисобот йилида кичик ва ўрта бизнесни микрокредитлашни янада ривожлантириш, банк ресурс базасини ошириш мақсадида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан 2002 йилнинг сентябрь ойида 7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномаси имзоланди ва ўзлаштирилмоқда. Шу билан бирга, лойиҳаларни молиялаштиришни ривожлантириш бўйича ишлар ҳам фаол олиб борилди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида чет эл кредит линиялари иштирокида 15 та объект қурилди.

Банк аграр секторни ривожлантириш ва қишлоқда янги иқтисодий тузиламалар: фермер, деҳқон хўжаликлари, ширкатларнинг шаклланишида, жумладан, кредит эҳтиёжларини тўлиқ қондириш борасида энг қулай шароитларни яратган ҳолда уларга фаол кўмаклашди. Уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида банк томонидан филиаллар тармоғини ривожлантириш бўйича мавжуд стратегик режалар амалга оширилди. Натижада йирик ва барқарор мини банклар тармоғи яратилди ва уларнинг сони йил якунига келиб 162 тани ташкил этди.

**Зафар КАЛОНОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

*Хўжалик шартномалари: ютуқ ва муаммолар*

# ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

***Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган шартнома муносабатларига катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг бош йўналишлардан бири — бу хўжалик шартномларининг ролини ошириш ва шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик Кодекси»да шартномаларни тартибга солишга оид нормаларга кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, шартнома муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Республикамизда хўжалик шартномалари бўйича мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни амалиётда қўлланилишини кучайтириш юзасидан турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги жавобгарликка оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда, қонунларни амалиётда қўллаш самарадорлиги яхшиланмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан амалиётда мавжуд бўлган фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик механизмидан хўжалик юритувчи субъектлар етарли даражада фойдаланаяпти, деб бўлмайди.***

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, сўнгги ўн йил мобайнида ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларга қатор ўзгаришлар киритилди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар — Низомларда шартнома мажбуриятини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шакллари билан бир қаторда томонларнинг мулкий жавобгарлиги масалалари ҳам такомиллаштирилди. Бироқ томонларнинг ўзаро мажбуриятлари кенгайтирилганига қарамай уларнинг ижроси бўйича мулкий жавобгарликни кучайтириш кўпинча ўз самарасини етарлича бермаяпти.

Мавжуд юридик адабиётларда жавобгарлик механизмини оширишга йўналтирилган турли чоралар таклиф этилган. Бунга асосан «неустойка» тўловлари миқдорининг кўпайиши ва айбнинг даражасига кўра қарздор жавобгарлигини белгилаш, жавобгарлик чораларини қўллаш билан мажбуриятни бузиш орасидаги вақтни қисқартириш, иқтисодий ва ҳуқуқий тусга эга бўлган тадбирлар мажмуини қўллаш каби амалий чоралар киради. Фикримизча, хўжалик шартномалари мажбуриятларини бузганлик учун қўлланиладиган мулкий санкция чоралари самарадорлиги ва амалийлигини таъминлашнинг асосий омили «неустойка» тўловлари ва харажатларини тўлаш вақтини аниқ белгилашга боғлиқ.

Шартномавий муносабатларда мулкий жавобгарлик ва зарарни ундириш чораларининг қўлланилишидаги муаммолардан бири — хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий-ҳуқуқий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги билан боғлиқ. Ушбу ташкилотларни кўпчилигида юридик бўлимлар (юридик маслаҳатчи) йўқлиги туфайли шартномавий ҳуқуқий ишлар етарли даражада олиб борилмайди. Юрист маслаҳатчиси бор бўлган корхоналарда эса уларни ҳуқуқлари оддий масалаларни ҳал этиш билан чегаралаб қўйилган. Масалан, улар хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари рухсатисиз зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво аризасини тақдим эта олмайди. Яъни, юрист маслаҳатчилар шартномавий-ҳуқуқий ишларни мустақил равишда олиб бора олмайдилар. Ваҳоланки, контрагентларга нисбатан ҳуқуқий воситалар қўллаш яхши самара беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатларнинг қуйидаги йўналишларига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, мулкий жавобгарликнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, оператив санкцияларни иқтисодий асосланганлигини кучайтириш, етказилган зарарни тўлиқ қоплаш тамойилини ҳар томонлама ривожлантириш. Иккинчидан, шартномавий муносабатларни тартибга солишда қонуний санкция чоралари каби жавобгарликнинг шаклларидан тўлиқ фойдаланиш. Учинчидан, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик чораларини белгилашда жавобгар томонларга нисбатан мулкий санкция қўллаш учун кўпроқ имкониятлар яратиш, диспозитив санкция принципини қўллашни кенгайтириш.

Шартномавий муносабатларда жавобгарлик самарадорлигини ошириш иқтисодий ва ташкилий чоралар мажмуига боғлиқ. Уларсиз тузиладиган шартномаларнинг самарадорлиги ҳам, мулкий жавобгарликнинг қўлланиши ҳам яхши натижа бермайди. Ўз навбатида, тегишли қонунларни такомиллаштириш ҳамда унга оғишмай, тўғри амал қилиш хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини иқтисодий ривожлантиришга ёрдам беради.

**Лазиз БАРАКАЕВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти 2-босқич магистранти.**

---

***Йўл -транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 15 апрелидан 15 майига қадар "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 апрелдаги 206 -Ф сонли фармойишига асосан амалга ошириладиган бу тадбир ҳақида Республика Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошлиғи Анвар Сулаймонхўжаев мухбиримизга шундай ҳикоя қилади:***

## «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»

"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" илк бор ўтказилаётгани йўқ. Ҳар йили у ўзига хос самара бермоқда. Бу йил ҳам мазкур тадбир боис йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш, қолаверса, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим натижаларга эришишни мўлжалаяпмиз. Шунга мувофиқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган. Улар транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ўз навбатида уларни бартараф этишга хизмат қилади. Транспорт воситаларининг техник тайёрганлигини яхшилаш учун ва жамоат транспорти, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ойлик ўтказилаётгани ҳақидаги реклама ёзувлари жойлаштирилади. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари кенг тарғиб қилинади. Хуллас, "Йўл қоидаси -умр фойдаси" эканлигини ҳамма бирдек ҳис этади. Ўйлаймизки, юртдошларимиз ҳам ўзларининг фаол иштироки билан бу тадбирни самарали ўтишига ҳисса қўшадилар.

**Рустам ДОСТОН.**

---

## ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРСИЗ

***Андижон вилояти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ички ишлар бошқармаси томонидан 26 июнь – Гиёҳвандликка қарши курашиш халқаро кунигача «Гиёҳванд моддаларсиз дунё учун» кўрик-танлови ўтказилади.***

Уч ой мобайнида ўқувчилар, ўқув муассасалари жамоалари, талабалар, журналистлар, хуллас ёш авлод тарбияси учун ўзини масъул деб билувчи барча кишилар танловда қатнашиши мумкин. 26 июнда вилоятнинг «Наврўз» ўйингоҳида бир неча тур бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

«Энг яхши иншо учун», «Энг яхши шеър ва қўшиқ, плакат, публицистик асарлар учун» турлари шулар жумласидандир.

Ғолибларни ҳомийларнинг қимматли совғалари кутмоқда.

---

*Ислоҳот ва самара*

# ЙЎЛ ҚУРГАН ЕТАР МУРОДГА



***Ишга барвақт отланган Олимжон йўл-йўлакай янги қурилаётган фаввbooрадаги ишлар кўламини яна бир бор кўздан кечириб чиқди-да, бу ерга жалб этилган "автойўлчи"ларнинг ҳар бирига аниқ вазифаларни бериш учун идорага ошиқди.***

Жиззах шаҳри марказидаги бу қурилиш ўз кўлами жиҳатидан бошқа иншоотлардан қолишмасди. Уни тиклашга бошқа қурилиш ташкилотлари билан биргаликда Олимжон Мирзаев бошқараётган Жиззах тумани автомобиль йўллар бошқармасининг ишчан жамоаси ҳам жалб этилганди. 20 метр баландликдан отилиб тушадиган фаввора қуёшнинг заррин нурларида кумушдек товланиб, ўтган-кетганни ўзига ром айлайди. Унинг теварагидаги саккизта кичик фаввoрачалар бутун майдоннинг микроиқлимини ҳам таъминлайди.

Ишга туширилиши тобора жадаллашаётган мазкур иншоотни ободонлаштириш, асфальт йўлаклар қуриш жамоанинг зиммасига юклатилган.





Олимжон Мирзаев бошқармада ҳар бир ходимга тегишли топшириқларни бериб, уларни муҳим ишларга йўналтирди. Бухгалтериядаги ҳисоб-китобларни кўриб чиқди. Сўнг бошқа участкаларни айланиб чиққани йўл олди. Мана олти йилдирки, унинг ҳаёти шундай кечади. Раҳбарлик юки оғир эканми, Олимжон Мирзаев Жиззах тумани автомобиль йўллар бошқармасига бошлиқ этиб тайинланганидан буён тиним билмайди. Бошқарма ўзига 110 нафар "автойўлчи"ни бирлаштирган. Демакки, уларнинг қандай иш юритиши, қай тарзда фаолият кўрсатиши раҳбарнинг билими, маҳорати, бой тажрибасига боғлиқ. Қолаверса, кўпчиликнинг ташвишлари Олимжон учун янгилик эмас. У ҳар бир ишчи- хизматчи билан қандай гаплашишни жуда яхши билади. Керак бўлган пайтда уларнинг кўнглига қарайди. Зарурат туғилганида ёрдам кўрсата олади.

Жиззах шаҳри билан боғловчи йўлларнинг аҳволи бугун бошқарма жамоасига боғлиқ. Шаҳарни ҳар томондан ўраб олган, Самарқанду Бухорога келиб кетувчи меҳмонлар билан чет эллик сайёҳлар ҳам тез-тез ўтиб турадиган бу йўлларга уларнинг сидқидилдан меҳнати сингмоқда. Бошқарма бошлиғи Олимжон Мирзаевнинг ўзи 15 йилдан буён "Автойўл" тизимида ҳалол ишлаб келмоқда. Бир пайтлар ишни оддий "автойўлчи"ликдан бошлаган эди. Бугун у катта жамоанинг раҳбари. Бошқарма мутахассислари ўзларига қарашли 336 километр йўлларни соз ҳолда сақлаш ишларини доимий равишда олиб боришмоқда. Ўтган йили улар Арнасойда қурилаётган янги сув омборига элтувчи саккиз километр янги йўлни ишга туширишган эди.

-Умуман 2002 йил жамоамиз учун баракали бўлди,-деди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи Олимжон Мирзаев.- 450 миллион сўмлик иш бажардик. Олган соф фойдамиз эндиликда соҳамизни ривожлантиришга, "автойўлчи"ларимизни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. "Ўзавтойўл" раҳбариятининг бевосита амалий ёрдами билан янги замонавий техникаларга ҳам эга бўлиб боряпмиз. Ишимиз сифат жиҳатидан тобора яхшиланаяпти.

Бугун бошқармага қарашли кенг ва равон йўллардан борар экансиз, жамоада иш ва сўз бирлиги таъминланаётганлигининг шоҳиди бўласиз. Меҳнатга яраша рағбатнинг ўз вақтида йўлга қўйилганлиги қувончли натижаларга йўл очмоқда. Ҳозир бу ерда ўртача ойлик иш ҳақи ҳар бир ишловчи ҳисобига 45 минг сўмданга тўғри келмоқда. Фидойи ишчилар бундан ҳам ошириб маош олишяпти. Соҳа жонкуяри, ишчан раҳбар Олимжон Мирзаевнинг орзулари эса бир олам. Бу орзулар бевосита юртимиз равнақига хизмат қилувчи кенг ва равон йўлларни бугунги кун талабалари даражасига етказиш билан боғлиқ. Зеро, йўл қуриб, эл дуосига мушарраф бўлган одам муродига албатта етади.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: 1.Туман автомобиль йўллар бошқармаси бошлиғи Олимжон Мирзаев. 2. "Автойўлчи"лар фаввора қурилаётган хиёбонни топширишга ҳозирлашмоқда. 3. Бошқарма механиги Нормурод Умаров, механизатор Раҳмон Маҳмудов ва чет эл техникалари бўйича мутахассис Абдували Тожибоевлар янги иш кунига ҳозирланишмоқда.**

---

**Мамлакатимиз пойтахтидаги «Тошкент» автошоҳбекати жамоасининг хизматидан бугун кўпчилик мамнун бўлмоқда. Фарғона водийсидан ташқари Республикамизнинг кўплаб йирик шаҳарларига қатновчи автобуслар шу ердан йўлга чиқарилиб, йўловчиларнинг узоғини яқин қилишга шайланади. Шундай экан, жамоа автошоҳбекатга келиб-кетувчи мижозларга барча шароитларни муҳайё этишга ҳаракат қилмоқда. Кутиш заллари, енгил тамадди қилишга мўлжалланган шохобчалар уларнинг хизматида. Кўп йиллар бу ерда фидокорона меҳнат қилиб, элда обрў эътибор топган ишчан мутахассисларнинг хушмуомаласи, беминнат хизматидан кўпчиликнинг дили яйраяпти.**

**СУРАТДА: автошоҳбекатнинг майдон назоратчилари Хайрулла Рихсиев (чапдан ўнгга), Ҳаёт Зоитов, Мирҳайдар Қосимов ва Тошкент–Янгиер йўналиши бўйича қатновчи автобус ҳайдовчиси Ғанижон Абдуллаев қилинадиган ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишмоқда.**



---

# БИР ОТАРДАН ИККИ ОТАР

*«Қўй боқинглар, қўй баракадир»*
*(Ҳадисдан)*

***Қамаши туманидаги «Ғаллакор» жамоа ширкат хўжалигида нафақат деҳқончилик балки чорвачилик ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ҳозир хўжалик яйловларида 22 минг бошдан зиёд қўй-қўзи парвариш қилинмоқда.***

Шуниси эътиборга лойиқки, бу йил тўл мавсумида хўжалик чўпонлари ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи олиш ва шунинг 105 тасини ўстиришга қолдиришни мўлжаллашган эди. Куни кеча илғор чорвадорлар кўзланган марра эгаллаганлигини маълум қилдилар. Бугун хўжаликда қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланганидан барча мамнун.

Яқинда чорвадорлар мавсум якуни билан танишиб ўзаро келишиб олишди. Энг юқори натижага эришган Шуҳрат Хидиров, Дилмурод Бухоров, Чаққон Қаршиев, Хуршид Ҳасанов, Ботир Жабборов каби ўнлаб қўйчивонлар фидойи меҳнатлари эвазига муносиб тақдирланишди, Илғорлар телевизор, гилам ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

– Бу йил хўжалигимиз бўйича тармоқдан 210 миллион сўм соф фойда олишни кўзда тутганмиз, – дейди хўжалик бошқаруви раиси Норқул Эргашев биз билан суҳбатда қувончини яширолмай.
– Биз олинган фойда ҳисобидан биринчи галда 41 та отардаги чўпон-чўлиқларимиз шароитини яхшилашга эътиборни қаратамиз. Сўнг қўйчивонлар оилалари яшайдиган қишлоқларни ободонлаштириб, жунни, гўштни қайта ишловчи кичик корхоналарни қурмоқчимиз. Шу йўл билан 60 нафар чорвадорлар фарзандларини иш билан таъминлаймиз. Бу биринчидан аҳолига қулайлик бўлади. Иккинчидан эса хўжалигимиз иқтисоди бундан ҳам яхшиланади.

Ҳа, шу кунларда «Ғаллакор» жамоа ширкат хўжалиги қўйчивонлари жамоат чорваси бош сонини 40 минг бошга етказишга ҳаракат қилишяпти.

**Комил САХАТОВ,**
**«Адолат» мухбири.**

---

*Тадбиркорликка кенг йўл*

# ИСЛОҲОТЛАРГА ҚАНОТ

***Фарғонадан Қувасой ҳудудига кириб бораверишда серқатнов автомагистралнинг ўнг қанотида катта панно осиғлиқ турипти. Унда «Тадбиркорлар шаҳри-Қувасойга хуш келибсиз!» деб ёзиб қўйилган. Бу баҳонинг ажабланарли жойи йўқ. Қувасой Фарғона вилоятининг йирик индустриал марказларидан бири бўлибгина қолмай, унинг аҳолиси том маънода тадбиркорликка қизиққан ва бунинг уддасидан чиқиб, ўзларининг ҳам, элу юртнинг ҳам бойлигига барокат киритаётган серғайрат ва изланувчан кишилардир.***

***Қувасой шаҳар ҳокимлигининг бевосита кўмагида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳукуматимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича қарорларини изчиллик билан амалга ошириб келаётир. Бу ҳақда ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Бахтиёржон Усмонов шундай ҳикоя қилади:***

-Бундан атиги ўн йиллар аввал истиқлол шарофати билан тез орада хусусий мулкчилик бу қадар тез ривожланиб кетишини ва айниқса, тадбиркорлик ҳаракатини ҳукуматимиз шунчалар кенг кўламда қўллаб-қувватлашини тасаввур қилиш қийин эди.

Маълумки, бизнинг Қувасойимиз саноатлашган шаҳар. Бу ерда бутун мамлакатимиз ва ундан ташқарида ҳам маълум бўлган корхоналар ишлаб турипти. Энг замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган «Қувасойцемент», «Қувасой чинниси», «Кварц», «Қувасойконсерва» ва «Делорос» электрод заводлари шулар жумласидандир. Булардан ташқари, камроқ ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўнлаб объектлар ҳам мавжудки, мабодо шаҳар ҳаётига теран назар ташлагудек бўлсангиз, қувасойликларларнинг жўшқин ҳаётидан ҳаяжонланмасликнинг иложи йўқ.

Шаҳримиз тасарруфида шунингдек, боғдорчилик ва полизчилик, ғаллачилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи бир қанча ширкат хўжаликлари ҳам бор. Қишлоқларимиз аҳолисининг кўпчилиги фермер-деҳқон хўжаликларини бошқариб, йил сайин фаровонроқ турмуш кечиришяпти.

Бизда, жорий йилнинг биринчи январь ҳолатига олиб қараганда, жами 621 та ўрта ва кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, айни пайтда булардан 588 таси рисоладагидек фаолият юритмоқда. Жумладан, 22 таси ўрта, 56 таси кичик ва 543 таси микрофирмаларни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичларнинг ўзиёқ Қувасойда товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ҳаракатининг кенг кўламда ривожланаётганлигига далилдир.

Табиийки, бу олижаноб ҳаракатни янада кенгайтириш ва мўлжалдаги самараларга эришиш энг аввало, уларга белгиланган имтиёзлардан тўлақонли фойдаланишга, тегишли молиявий-моддий ресурслар билан ўз вақтида таъминланишларига, амалдаги қонунлар асосида фаолият юритишларини йўлга қўйишга изчил кўмак кўрсата олишга ҳам боғлиқдир.

Шаҳримизда фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлар томонидан 574,3 миллион сўмлик кредит ресурслари ажратилдики, бу аввалги йилнинг бошидаги кўрсаткичга нисбатан 214,5 миллион сўм кўпроқни ташкил этади.

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига оид фармон ва қонунлар, қарорлар ва йўриқномалар моҳиятини уларга тушунтириб беришда палатамиз шаҳар ҳокимлиги, прокуратура ва солиқ, божхона ва бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Консултациялар, учрашувлар ва вақти-вақти билан энг долзарб мавзуларда ўтказиладиган йиғилишлар шулар жумласидандир. Палатамиз қошида ташкил қилинган «Ахборот-маслаҳат маркази» тадбиркорлик объектларига таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режаларни тайёрлаб беришда, улар учун қисқа муддатли ўқишларни ташкил этишда қизғин фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, «Ҳуқуқий хизмат маркази»миз эса ҳуқуқий амалий ёрдамлар бермоқда. Масалан, ўтган йили албатта фермер хўжалигининг ер майдонини ноқонуний тортиб олган ширкат хўжаликларидан бевосита ана шу марказ ҳуқуқшунослари аралашувида ер яна эгаларига қайтарилди.

Шаҳар бозори ва кўчаларида савдо қилувчи тадбиркорлик субъектларига эса уларнинг товарларини лаборатория таҳлилларидан, экспертизадан ўтказишда, товар кодларини ўрнатиш ва сертификация қилиш масалаларида ҳам тезкор ёрдам хизмати жорий қилинган.

Биз шаҳримизга чет эл инвестициясини кўпроқ жалб этишга ҳам алоҳида эътибор берамиз. Масалан, яқинда Италиянинг IFT фирмаси вакиллари билан тадбиркорларимиз учрашувини ўтказдик. Тошкент шаҳрида, банклар ассоциясида ўтказилган АҚШнинг «Эксим банк»и вакиллари билан учрашув тадбирида ҳам фаол қатнашдик. Бунинг натижасида Фарғона вилоятида кредит иттифоқи рўйхатдан ўтди ва яқин орада ўз ишини бошлайди. Қувасойимизнинг ишлаб чиқариш имкониятлари билан қизиқувчи хорижликлар кўпайиб бормоқда ва бу беихтиёр, хориж инвестициясини кўпайтириб бориш имкониятини туғдирмоқда.

Яна бир нарса: палатамиз қошида ташкил қилинган «Тадбиркорлик бурчагида тадбиркорларимиз учун 300 дан ортиқ хорижий ва миллий асбоб-ускуналар; янги технологиялар рўйхати, Италия, АҚШ ва Греция ускуналар ишлаб чиқариш компанияларининг реклама проспектлари ва манзилгоҳлари, алоқа телефонлари кўрсатилган буклетлар жой олган.

Маълумки, айни пайтда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича молиялаш турларидан бири-лизинг операциялари ҳаётимизга чуқурроқ кириб келмоқда. Палатамиз бу борада ҳам тадбиркорларимизга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонда фаолият юритаётган лизинг компаниялари билан Фарғона шаҳрида ўтказилган учрашувда тадбиркорларимиз фаол қатнашиб, бу компаниялар фаолияти ҳамда улардан лизинг бўйича асбоб-ускуналар олиш шарт-шароитлари билан танишдилар.

Ташаббускорлик янгиликларнинг бош омилидир. Бу ўринда, тадбиркорларимиз янги-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, фаровонликни яратиш иштиёқида тинимсиз изланишаётганини таъкидлаш қувончлидир. Шаҳар ҳокими савоб учун ҳар йили ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловига улар томонидан тақдим этилаётган янгиликлар, кўрсаткичлар бундан далолат бериб турибди. Яқинда ўтказилган «Ташаббус-2003» кўрик-танловида ўз фаолиятида энг яхши кўрсаткичларга эришаётган, тадбиркорлик ва ишни ташкил этишда янги йўналишлар очаётган, экспортга йўналтирилган ёки хориждан келтирилувчи маҳсулотлар ва хизматлар ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган тадбиркорлар ва фермер хўжаликларимиз кўплиги маълум бўлди. «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича Т.Нишонбоев бошлиқ «Олтин юлдуз» кичик корхонаси, А.Қаюмов бошлиқ «Қилич-М» фирмаси ва Д.Қосимова бошлиқ «Дилсан-СО» фирмаси олдинги ўринларни эгаллашди. «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича эса Д.Йўлдошев бошлиқ «Носиробод» деҳқон-фермер хўжалиги А.Тешабоев бошлиқ «Азиз» фермер хўжалиги ва Т.Жўраев бошлиқ «Жўрабой» фермер хўжалиги ғолибликка эришдилар.

***Турган гапки, биз юқорида баён қилинган қувончли ҳоллар билан қаноатланиб қолмаймиз. Палатамиз олдида ҳали қилинажак ишлар кўп. Аммо ҳамон муайян қийинчиликлар, муаммолар ва сусткашлик ҳоллари ҳам мавжудки, булардан кўз юмиб бўлмайди. Тадбиркорлик ва ташаббуслар гоҳида сунъий тўсиқларга ҳам учраб туради. Айниқса, кредит ва молиялаш, табиий ресурслардан имтиёзли фойдаланиш масалаларида. Боз устига, айрим тадбиркорларимизнинг ҳуқуқий билим савиясида талаб даражасида эмас.***

***Бироқ шуниси аниқки, табиатан ҳар қандай янгилик ўзи учун осонликча йўл очиб ололмайди. Ислоҳотларимизнинг, ташаббусларимизнинг барибир кенг қанот ёйиб бораётганлиги давр тақозасидир. Унинг ортида илҳомбахш куч бўлиб шахсан Президентимизнинг ўзлари, давлатимизнинг оқилона иқтисодий сиёсати турипти.***

**Бахтиёржон УСМОНОВ,**
**Фарғона вилояти,**
**Қувасой шаҳар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси.**

Халқимизга ўзлигини қайтариб берган, мустабидлик занжирини парчалаб ташлаган-улуғ неъмат, бу-Мустақилликдир. Қарийб, бир ярим асрлик қарамликдан сўнг эркинликни қўлга киритишимизга 1991 йил 31августда қабул қилинган «Давлат мустақиллиги ҳақида» ги қонун асос бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов: «Ўзбекистон-мустақил мамлакат. Бу ўз тақдири ва истиқболини ўзи ҳал қилишидир, бу миллатни маънавий, аҳлоқий, маърифий инқироздан қутқаришдир, бу ўз ерига, ўз ер ости бойликларига эгалик қилишдир, бу тенгларга тенг бўлиш, кенг дунёга далоллар ва воситачиларсиз чиқиш, халқаро муносабатлар ўрнатиш, миллатлар ҳамдўстлигига қўшилишдир» деган эдилар.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг тарихи унинг ўтмишидан хабар бериб туради. Тарихсиз келажак бўлмайди. Бизнинг теран илдизларимиз эса ўтмишимизнинг ёркин ва мустаҳкамлигидадир. Афсуслар бўлсинки, шўровий жамият

## • Амир Темур таваллудининг 667 йиллигига

# БУЮК СОҲИБҚИРОН



намоёндалари, бизнинг ўтмишимизга ноҳолислик билан ёндошди ва оқни қорага айлантириб ўргатди. Гўё ўтмишимизда бирор эзгулик йўқ эмиш, «Саводсиз, маданиятсиз ва қолоқ юрт ва халқ эмишмиз». Аждодларимиз яратган бақтрия, суғд, хоразм, турк ва араб имлоларида яратилган битикларимиз, санъат асарларимиз борлигини биздан яширишди.

Айнан Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз, Хива ва Тошкент каби ўнлаб кўҳна шаҳарларимиздаги осмонўпар обидаларни барпо этишда донишманд ва улуғ боболаримиз энг мураккаб меъморий ўлчамлардан фойдалангани, фалсафани ва қомусий билимларнинг донишмандлари эканлигини тан олишмади.

Бу халқнинг улуғ саркардаси соҳибқирон Амир Темурни эса нафақат Турон ва Хуросон, Эрон балки Европа халқлари, дунё билсада, биз билмасдик. Бизга бу зоти баркотни фақат салбий тарзда ўргатишарди. Жаҳон тарихида соҳибқирон Амир Темурнинг ижобий хизматлари борлигини тасдиқловчи далиллар борлигига қарамасдан, ўтмишимизнинг Темурий даврига оид босқичи фақат қонхўрлик ва босқинчиликдан иборат, ундан бирор эзгулик ахтариш бефойда, деган тушунчани онгимизга сингдирарди.

Бироқ, Амир Темурнинг ватанидан жуда узоқ юртларда у ҳақда ҳаққоний асарлар яратилар, ўша мамлакатларнинг театр саҳналарида у зоти барокот ҳақидаги спектакллар қўйилар, у ҳақдаги кўргазмалар намойиш этиларди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, тарихни ҳам бир жамиятда ёмонлагани билан бошқаларида тўғри талқин этиларди. Биз барибир ҳам соҳибқирон Амир Темурга, темурийлар тарихи даврига ўша давр маданиятига фақат мустақиллик туфайлигина ҳаққоний ёндоша олдик холос. Бизга Амир Темурни чин маънода ўрганиш, у зоти барокотни билишни фақат мустақиллигимиз қайтариб берди.

Амир Темур-йирик давлат арбоби, енгилмас саркарда, ўрта асрда энг катта давлатлардан бирининг асосчиларидандир. У ташқи ва ички муносабатларда энг оқил йўлларни топа билган донишманд шахс, жанг санъатини ва унинг қонунларини ишлаб чиққан, унинг ўзи ҳаётга тадбиқ этган эди. У улуғ лашкарбоши даражасига кўтарилган зотдир.

Амир Темурнинг тўлиқ исми-шарифи Амир Темур Кўрагон ибн Тарағай баҳодир бўлиб, 9-апрель 1336 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Бу ҳақдаги ривоятларга кўра ўшанда Қуёш, Миррих, Ой бир чизиққа тўғри келган экан. Етти юлдуз бир-бирига яқинлашган бундай кунда туғилган чақалоққа бахт қуши қўнармиш. Албатта, бу Оллоҳнинг иноёти бўлган бўлса ажабмас. Унинг отаси Амир Тарағай Баҳодир барлас қабиласи зодагонларидан бўлиб, ўз даврининг кўзга кўринган бадавлат ва обрўли кишиси бўлган. Онаси Тегена бегим эса бухоролик олим Убайдуллоҳ аш-Шариъанинг қизи эди. Амир Темур болалик чоғларида, иродали, яхши ташкилотчи, уддабуррон, жанг ҳадисларини билгувчи бўлган. У кўпинча ўз кучига таяниб иш кўрган. 25 ёшигача бир қанча ҳукумдорлар хизматида бўлган. Унинг ёшлик ва ўсмирлик пайтлари Мовароуннаҳр бир қанча амирликларга бўлинган, тарқоқлик кучайган, қабилалар ва элатлар орасида ўзаро зиддиятлар, низолар кучайган пайтга тўғри келган. Айни шундай мураккаб вазиятда Амир Темур ҳарбий ва дипломатик қобилияти туфайли ҳам Кеш ҳокими даражасига кўтарилади. 1370 йилда Амир Темур Кешдан Балхга юриш қилиб, Амир Ҳусайн қўшинларини енгади ва уни қатл қилади. Унинг хотини Сароймулк хоним /Бибихоним/ га уйланади. Хон қизига уйланганлиги туфайли ҳам Амир Темур «Кўрагон», яъни «Хоннинг куёви» номини олади. Шундай қилиб 1370 йилдаёқ Амир Темурни кўчманчи зодагонлар, ўтроқ феодаллар ва мусулмон руҳонийлари Мовароуннаҳр амри деб эълон қиладилар. У Самарқандни давлатнинг пойтахтига айлантиради ва тарқоқликни бирлаштиради, марказлашган давлатнинг ҳудудларини мустаҳкамлайди, бутунлай мамлакатни босқинчилардан озод қилади. Амир Темур Еттисув ва Шарқий Туркистонга юришлар қилди. 1388 йилда Хоразмни бутунлай забт этди.

Биз бобомиз Амир Темурнинг бошқа мамлакатларга юришларини кузатар эканмиз, унинг 1380 йилдан бошланган ҳаракатлари салмоқли бўлганини кўрамиз. 1381 йилда Ҳиротни, 1383 йилда Сейистонни эгаллайди. 1386 йилдан «уч йиллик юриш», 1392 йилдан «беш йиллик юриш» 1399 йилдан «етти йиллик» юришларни бошлаб, катта муваффақиятларга эришади. Натижада Кавказ, Эрон ҳамда Ироқни бўйсундиради. Олтин Ўрда хони Тўхтамишни Марказий Осиёдан бутунлай ҳайдаб чиқаради. 1395 йилда Тўхтамиш қўшинларининг Кавказ ортига ҳужумини қайтариб, уларни тор-мор қилди ва Москвадан 400 километр масофада жойлашган Елец шаҳригача уни қувиб борди ва Олтин Ўрда пойтахтини ишғол қилди.

Амир Темур 1398 йилда Ҳиндистонга юриш бошлаб Лоҳурни ва Деҳлини эгаллайди. 1400 йилда Халобни, 1401 йилда Дамашқни олди. 1402 йилда Усмонли Туркия султони Боязит Йилдернни тор-мор этади. 1404 йилда Самарқандга қайтиб келади ва Хитойга юришга тайёрланади. 1405 йилда қўшинлари билан йўлга чиқиб Ўтрорга келганда касалланиб вафот этади.

Мантиқан Соҳибқирон юришларини таҳлил этар эканмиз, у ҳаёти давомида дунёнинг 27 давлатини забт этади. Олтин Ўрда хони Тўхтамишни енгиб, Қадимги Русни мўғуллар истибдодидан қутқарилишини осонлаштиради. Туркия султони Боязит Йилдернни енгиб, Болқон ярим ороли халқларини маълум муддат мустақилликда сақланиб қолишига ҳисса қўшади. Амир Темурнинг саркардалик маҳорати бутун дунё аҳамиятига эга. Жаҳон ҳарбий академияларида қулдорлик даври ҳарбий санъатининг энг ёркин вакили сифатида Александр Македонский, ўрта асрларда-Амир Темур, капитализм давридан Напалеоннинг саркардалик маҳорати шу кунгача ўрганиб келинади.

Амир Темур бобомизнинг бизга, ҳозирги ёшларга ибратли жиҳати шундаки, у зоти барокот ўз она юртини мустаҳкамлади ва ёвуз душманлардан батамом озод этди. Шу билан бирга савдогарларга, ҳунармандларга, шайхларга, Ислом динига таяниб иш кўрди. У ички ва ташқи сиёсатни, савдони тўғри йўлга қўйди. Энг муҳими илм-фан, адабиёт ва санъатнинг тараққиётига кенг йўл очди. Юртимизда ободончилик, маъмурчилик ишларига имкон яратиб берди. Ўзи забт этган мамлакатлардан олиму фузалоларни, илоҳиётчиларни, санъат намоёндаларини Самарқандга олиб келиб, улардан юрт равнақи йўлида фойдаланади. Мамлакатда маъмурчиликни яратди. Шу билан бирга меъморчилик, рассомлик, наққошлик ишларини юксак даражага кўтаришга юксак ҳисса қўшди. Айниқса, ўзидан олдинги даврда ўтган азиз-авлиёлар, олиму фузалолар ётган жойларни тартибга келтирди, бу жойларда масчит мадрасалар, хонақоҳлар қурдирди ва обод этди. Деҳқончилик, чорвачиликка, ирригация ва мелиорация ишларига эътибори ўлароқ, бу тармоқларни юксак даражага кўтарди.

Самарқандни эса жаҳонни энг кўркам ва гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди. Ёнатрофидаги қишлоқларга Бағдод, Қоҳира, Дамашқ каби номларни бериб, юртнинг обрўйини янада оширишга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Амир Темур бобомиз бир қатор хорижий мамлакатлар билан дипломатия алоқаларини яхши йўлга қўйдилар. Биз буларга Франция, Испания,Генуя, Англия давлатларини мисол келтиришимиз мумкин.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятини ёритувчи «Темур тузуклари» асари бор. Бу асардаги воқеалар жуда ҳам аҳамиятли бўлиб, Амир Темур номидан ҳикоя қилинади. Асар эски ўзбек тилида ёзилган. Бу асар форс, француз, инглиз урду, рус ва бошқа кўпгина тилларга ўгирилган, Ҳусусан ҳозирги ўзбек тилимизга ҳам таржима қилингандир.

«Темур тузуклари» икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчисида Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда салтанатни қўлга киритиш учун олиб борган урушлари ва бу борада ўз яқинлари билан ўтказган кенгашлари, Амирлар билан олиб борган музокаралари ҳақидаги тафсилотлари муфассал тилга олинган.

Буюк соҳибқироннинг кучли марказлашган давлат тузиш ва қўшни мамлакатларни ўзига бўйсундириш борасидаги фаолияти унда тўлиқ акс эттирилган. «Темур тузуклари» нинг иккинчи қисмида Амир Темурнинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услуби ҳақидаги тузуклари, яъни йўлйўриқлари, қонун-қоидалари, панд-насиҳатлари ўрин олган.

«Темур тузуклари»да дўстлик, вафодорлик, иймон ва эътиқод, касб-ҳунар ва бошқа инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикрлар юритилади. Фуқароларнинг шариат қонун-қоидаларига бўйсуниши айтиб ўтилади. Қозиларнинг қонунларга тўла амал қилиши, тартиббузарларни аямай жазолаш, сипоҳлар ва аскарларни сақлаш ва уларга озиқ-овқат, маош тўлаш қоидаси вазирлар ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва бошқаларни тақдирлаш тартиблари, уларнинг бир-бирларига муомаласи, бошқа масалалар бўйича маълумотлар берилган. «Темур тузуклари» даги кўп жиҳатлар айни шу кунимиз учун ҳам асқотади.

Умуман олганда Марказий Осиё Уйғониш даври Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукумронлик қилган йилларида мустаҳкам негизга эга бўлгандир. Айни шу қимматли ва муҳим жиҳатлари инобатга олиниб, соҳибқирон Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрнини жойига қўйиш, яъни адолатни ўрнатишни ҳаёт тақоза этарди. Бунга эса мустақиллигимиз кенг эшик очиб берди. Таҳқирланган соҳибқирон бобомиз бугун ўз қадр-эътиборини топди. Ўқув масканларида Амир Темур ҳаёти ва унинг фаолияти, у яшаган даврлар ҳаққоний равишда бугун ёшларга ўргатилмоқда. Ҳуррият эпкинлари ўлароқ, Санъат саройлари, метро бекатига, хўжаликлар, ўқув юртларига, хиёбонларга, маҳаллаларга, кўчаларга Амир Темур номи берилгандир. Бу йил соҳибқирон таваллудига 667 йил тўлди. Тўғриси мустақилликнинг ўтган йилларида Амир Темур солномаси вужудга келди:

**1994 йил декабрда «Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқарилган.**

**1995 йил октябрь-ноябрь-ЮНЕСКОнинг 28-Ассамблеясида буюк ватандошимиз соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги юбилейи халқаро миқёсида нишонланиши тўғрисида қарор қабул қилинган.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти 1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисида фармон чиқарди.**

**1996 йил 26 апрел-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида қарори чиқди.**

**1996 йил 28 август-Ўзбекистон Республикаси Президенти Самарқанд шаҳрини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонига имзо чекди.**

**1996 йил 29 август-Ўзбекистон Республикаси Президенти Шаҳрисабз шаҳрини Амир Темур ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.**

**1996 йил 18 октябрь-Тошкентда «Темурийлар тарихи давлат музейи» тантанали равишда очилди.**

**1996 йил 18 октябрь-Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилди.**

**1996 йил 24 октябрь-Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

**Тошкентда Амир Темур номидаги халқаро жамғарма фаолият кўрсатиб турибди.**

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, доцент**

## Янги асарлар

# ҲАЁТНИНГ ЮЗ ДАРЧАСИ

*Хаётимиз жуда- жуда мураккаб. У катта бир театр, биз эса театр томошабинларимиз,- дейди ўз асарларидан бирида «Адолат»нинг фидойи жонкуярларидан бири, Ўнга яқин лирик, пулицистик ва ҳужжатли қиссалар муаллифи Қодиржон Собиров,- мен ҳаётнинг ҳар бир кўринишини кичкина-кичкина дарчаларга қиёс қиламан. Улардан гоҳ шодлик, гоҳ ташвиш, гоҳида эса ечими йўқ бўлган муаммо мўралаб туради. Бу дарчалардан кўзга ташланган воқеалар кимларнидир ўйларга толдиради, кимларгадир сабоқ бўлиб, тўғри йўлга бошлайди, кимларнингдир эса мажруҳ кўнглини кўтаради.*

*Қодиржон ака яқинда «Ҳаётнинг юз дарчаси» деб номланган тўпламини поёнига етказди. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб биз тўпламнинг айрим боблари билан сиз газетхонларни таништириб боришни лозим топдик.*



## КАМАЛАК ЖИЛОСИ

*Бевафо дўстлар- фақат қуёш чиқиб тургандагина фойдаланиш мумкин бўлган соя соатларининг ўзгинасидир.*

*Теодор ГИШЕЛЬ*

Яқин бир дўстимизни ишдан бўшатишди. Тўғри сўзлиги хакгўйлиги ҳеч қачон қорани оқ, оқни эса қора дея олмаслиги учун. Кўпдан бери «катта»си билан ораларида қора мушук ўтиб юрганди... Ҳийла ёш туриб йирик лавозимга ўтирган собиқ амалдор дўстимиз энди ўзини юксак чўққидан чуқур ғорга қулаб тушгандай ҳис қила бошлади. Куни бўйи тунд, эзилган бир аҳволда кўча кезади.

Энг ёмони - ундан қадрдон дўстлари бирма-бир юз ўгира бошладилар. Қадимдан қолган нарса ўзи бу: «пошшолик» билан адибадига бориб қолган, истиқболига қоракуя чапланган кишидан ҳамма ўзини четга ола бошлади. «Тағин қораси юқмасин» дейди.

Дўстимиз яхши биладики, мободо эртага бир мўъжиза рўй бериб,фалак тескари айлансаю аввалги кунлар қайтиб келса, у яна лавозим курсисига ўтирса, ундан ўзларини олиб қочаётганлар яна тиржайишиб йўлларидан чиқиб келишади. Яна қуюқ- қуюқ саломлашишлар бошланади. Ҳатто този итининг сихат-саломатлигини суриштирувчилар ҳам топилиб қолади.

Шу ўринда бир нарса ёдимга тушади. Фарғона водийсини шимоли- шарқида жаннатдек гўзал Арслонбоб оромгоҳи бор. Агар у ерга борган ва бу муқаддас қадамжони зиёрат қилган бўлсангиз, бир ажиб манзара сизнинг ҳам диққатингизни ўзига тортган бўлиши керак: туш пайти яқинлашиши билан кичик шаршара жойлашган дара устида қуёш пайдо бўлади- да, чор- атрофга заррин нурларини тўка бошлайди. Худди шуни кутиб турган каби, юқоридан, баланд- баланддан зарб ила гумбурлаб тушаётган ва ўзидан миллиард- миллиард заррачалар тарқатаётган шаршара остида товусранг камалак пайдо бўлади. У етти хил рангга товланиб, кўзингизни олади. Ундан нигоҳингизни узолмай туриб қоласиз.

Лекин, бир қанча фурсат ўтгач, қуёш бирданига ғарбдаги чўққилар ортига ўтиб кетадию камалак ҳам шу захоти кўздан йўқолади- қолади. Гўё ҳеч қачон бўлмагандай у, ҳеч қачон товус каби товланмагандай.

Воажаб, камалакнинг минг хил ишва билан товланиши фақат боши узра қуёш нур сочиб тургунча экан...

Шуларни ўйлайман- да, ўзимча хаёл қиламан: Хафа бўлмай қўявер, дўстим. Сенинг қуёшинг яна бир марта ярқ этиб кўриниб қўйса борми, шаршара остидаги камалагинг яна жилолана бошлайди...

Ха, хаёт фалсафаси шундай экан.!

## ПЛЮРАЛИЗМ

Ўрта мактабда ўқиётган қизчам менга савол бериб қолди:

Плюрализм нима дегани, дада, илтимос, тушунтириб берсангиз. Ўз билганимча тушинтирдиму маъноси шу сўзга бориб тақаладиган бир воқеа ёдимга тушди.

... Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида шундай қоида бор: телевидение раҳбари қабулхонасида хар куни масъул ходимлардан бири навбатчилик қилади. Унинг вазифаси эфирга узатилаётган кўрсатувларни кузатиб боришдан иборат. Масъул навбатчи телетомошабинларнинг телефон қўнғироқларига жавоб беради, уларнинг фикр- мулохазаларини ёзиб олади. Сўнг эрталабки, асли номи «беш дақиқалик», лекин бир соатга чўзиладиган йиғилишда ахборот беради.Кеча намойиш этилган кўрсатувларга нисбатан ўз мулоҳазаларини билдиради.

...Саксонинчи йилларнинг охирлари эди. Мен ўша пайтлар телевиденеда ишлардим. Кунлардан бирида навбатчиликка ўтирдим. Экранда мумтоз куйлардан концерт намойиш этила бошланди. Таниқли халқ артисти бўлган опа «Самарқанд ушшоғи»ни куйлашга тушди.Ўша пайтларда ҳам фонаграмма ишлатилар, яъни артист фақат лабларини қимирлатиб турар, экран ортида эса у қачонлардир бир вақт ижро этган қўшиқ янграрди.

...Бу ниҳоятда жарангдор қўшиқ ҳаммаёқни титратиб юбормоқда эди.Лекин бир қусури ҳам йўқ эмасди.Уни ижро этаётган артист опанинг бу пайтлар қадди-қомати ниҳоятда тўлишиб кетган бўлиб жуссаси экраннинг нақ ярмини эгаллаб олганди.

Бирданига тўрт рақамли, «юқори»нинг телефони жиринглаб қолди.Гўшакни кўтардим. Ўша пайт тарғибот-ташвиқотга раҳбарлик қилаётган шахслардан бири қўнғироқ қилмоқда эди.

-Алло, навбатчимисиз?

-Худди шундай,-дедим ҳозиржавоблик билан.

-Қаёққа қараб кетаяпсизлар!-деди халиги раҳбар зарда билан, бирон-бир одамни экранга олиб чиқишдан аввал у ёқ-бу ёғига мундоқ бир қараб қўйсаларингиз бўлмайдими! Ҳозир қўшиқ айтаётган артистингизни қаранг.Гавдаси экранни тўсиб қўйяптику! Бундайларнинг замони аллақачон ўтиб кетган. Ёшлардан кўпроқ чиқаринглар...

-Хўп домла,-дедим,-фикрингизни эрталабки мажлисда албатта раҳбарларимизга етказиб қўяман.

Қўшиқ тугади.Шу заҳотиёқ халиги, «юқори»нинг телефони яна жиринглаб қолди.Бу сафар катта маъмурий идоранинг раҳбари қўнғироқ қилаётган экан.

Алло, навбатчими?— сўради у хам, хозиргина машхур артистимиз ижросида Самарқанд ушшоғини мазза қилиб тингладик. Бор экансизлар- ку, рахмат сизларга! Шундай ажойиб артистларимизни унутмай, экранга олиб чиққанларингиз учун ташаккур. Овозини эшитдингиз- овозини! Худо берган овоз!

Яхши, домла, —дедим унга ҳам, — фикрингизни эрталабки йиғилишимизда раҳбарларимизга албатта етказаман...

## МАЪНАВИЙ ТАРСАКИ

Андижонда хизмат сафари билан юрарканман, туман газ идорасининг мудири бўлиб ишлайдиган дўстим Музрабшо билан унинг «Жигули»сида Қўрғонтепага борадиган бўлиб қолдик. Музрабшонинг одати шунақа соатига 120 дан кам юролмайди. Уч марта қаттиқ автофалокатга йўлиқди, аммо ақли кирмади. Бу сафар ҳам насвойдан тилининг тагига ташлаб олганча ўша тезликда елиб боряпти...

Жалолқудуққа етай деганимизда қаёқдандир лип этиб ДАН ходими чиқиб қолди. Хуштагини чуриллатдию машинасини йўл четига чиқариб, тўхтатишимизни буюрди.

Уф, ўлдик, — деди Музрабшо деразадан носни пуфлаб ташларкан.

Сўнг юқорига қўл чўзиб, ҳужжатларни ковлаштиришга тушди.

Ёши элликларга бориб қолган, оғир- вазмин капитан бизга яқин келди ва қўлини иягига тираб, салом берди. Фамилияси, лавозимини айтди.

Хайдовчининг ҳужжатларини бирма-бир варақлади.

-Рост айтинг оғайни, қандай тезликда келаётгандингиз?

-Сўради у нихоят.

- Соатига 50-60 километр бўлса керагов...

- Аниқроқ айтинг.

- Аниқроғи саксонда.

- Яна ҳам аниқроқ айтсангиз-чи?

- Юзда, ўртоқ капитан юзда. Қутулдимми?

- Йўқ, қутулмадингиз, барибир оз-моз олиб қолдингиз. Бир юз йигирмада келаётгандингиз, оғайни!

Сўнг Музрабшонинг қаерда ишлашини, кимлигини суриштирди. Дўстим айтиб, ўзини таништирди.

Энди, ака, кечирасиз, айб бизда, - деди кўзларини ерга қадаб.

Айб- ку, албатта сизда, менда эмас, — деди назоратчи ўйчанлик билан, қўлидаги ҳужжатларни ўйнаб, —лекин, келинг, бироз фараз қилиб кўрайлик. Мабодо анов муюлишда бирон-бир бола чиқиб қолсаю сиз машинангизни тўхтата олмасангиз, шунда ҳам «Кечирасиз, айб менда» деб қутилиб кетасизми?

Сўнг капитан «Жигули»нинг у ёқ-бу ёғини айланди.

-Аввал ҳам бир-икки бор думалаган кўринасиз.

-Ҳа, шундай...

Капитан ҳеч вақо бўлмагани каби, Музрабшонинг қўлига ҳужжатларини қайтариб берди.

Майли, бораверинг, йўлдан қолманг, шошиб турган кўринасиз чамаси...

Дўстим ханг-манг бўлиб қолди.

Ахир жазоламайсизми, ўртоқ капитан! Жарима солинг, талонимни тешинг ёки...

Унисини ҳам қилмайман, бунисини ҳам, - қўл силтади назоратчи,- чунки, сиз бунга арзимайсиз! Шляпа кийиб, галстук тақиб олганингиз, қора кўзойнагингиз раҳбар бўлганлигингиз-буларнинг ҳаммаси бир пул. Ҳа, бир пул менинг учун. Чунки сиз қонунларимизга оёқ босаётган кимсасиз, менинг учун нолсиз, думалоқ нол... Мабодо сизда виждон деган нарса бўлса, ўша тешсин талонингизни, ўша солсин сизга жаримани!

...Орадан ўн дақиқалар ўтгач, Хонобод йўлига тушиб олиб, аста кетиб борар эканмиз, Музрабшони таний олмай қолдим. У ниҳоятда хомуш ва ўйчан бўлиб қолган эди.

Бу капитан мени роса боплади, -деди у синиқ бир оҳангда, -юзимга тарсаки тортди. Ҳа, маънавий тарсаки... Бунинг учун ўрнига чинакам тарсаки тортиб юборса яхшироқ бўларди.

У оғир уҳ тортди.

Лекин мен шу-шу Музрабшонинг ўшандан кейин соатига «Саксон, тўқсон» дан ошириб газ босганлигини кўрмадим...

**Қодиржон СОБИРОВ.**

## Ҳарбий суд ва ислоҳот

# ҚОНУНГА ҲУРМАТ ВАТАНПАРВАРЛИКДИР

***Суд тизимини ислоҳ қилиш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш жамиятимизда кечаётган ислоҳотларнинг энг муҳим талабларидан биридир. Аксарият оддий фуқароларимиз ҳамон суд идораларини фақат жазоловчи орган деб тушинади. Аслида бундай эмас. Суд органлари жиноят содир этганларни жазолаш билан бирга, фуқароларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Чирчиқ ҳарбий судининг раиси, адлия майори Нормад ТОЖИБОЕВ билан бўлган суҳбатимиз мавзуи шу масалага қаратилди.***

**- Нормад Аҳмадкулович, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳарбий соҳага ҳам тааллуқли. Бу, армия нуфузини сўзсиз оширади. Айтингчи, ҳарбий суд тизимидаги ислоҳотлар қай даражада амалга оширмоқда?**

- Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганларидек: «Бу соҳада олиб борилаётган катта ишларимизнинг натижаси сифатида одамларнинг, аҳолимизнинг Қуролли Кучларимизга бўлган муносабати ҳам сезиларли даражада ўзгармоқда. Жамоатчилик тафаккурида армиямиз борган сари халқимизнинг узвий бир қисми, миллий давлатчилигимиз ва мустақиллигимизнинг энг асосий бўғинларидан бири сифатида, барчамизнинг ғурур-ифтихоримиз манбаи сифатида намоён бўлмоқда».

Армияда амалга оширилаётган ислоҳотлар замон талабларига жавоб берадиган, давлат ҳудудининг яхлитлиги, чегара даҳлсизлигини ҳимоя қилишга қодир, камсонли, мобиль Қуролли Кучларни ташкил этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раҳбарияти Қуролли Кучларда одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқ-тартибот аҳволини яхшилаш ҳарбий ҳизматчиларнинг ҳуқуқларини мухофаза қилишга қаратилган бир қанча ишларни амалга ошираяпти.

Энг аввало, эътибор ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қаттақ ҳарбий интизом тартибини ўрнатиш, «дедовшина»га, жиноятчиликка барҳам бериш, ҳарбий хизматни ўташ ва ҳарбий бурчни бажаришни кафолатловчи, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали муҳофаза қилишга қаратилмоқда.

Кези келганда ҳарбий судлар ҳам гиёҳвандликка қарши муросасиз курашмоқда десам хато бўлмайди. Масалан, 1995 йилдан буён мамлакатимиз муҳим чегара ҳудудларидан бири Хайратон орқали Афғонистон наркойўналишида жиноий фаолият кўрсатган 240 дан ортиқ шахслар ҳарбий судьяларимизнинг адолатли ҳукми орқали муносиб жазосини олди.

**-Халқимизда дардни даволагандан кўра олдини олган маъқул, деган ибора мавжуд. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш борасида ёки улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга оид тадбирлар қандай қўлланилмоқда?**

- Яхши масалани ўртага қўйдингиз: жазолагандан кўра аввал тарбиялаш зарур. Ўтган йили содир этилган жиноятларнинг 71 фоизи судлар томонидан сайёр мажлисларда, ҳарбий қисимлар шахсий таркиби ўртасида ошкора қурилишини амалга оширдик. Бундай одил ва ошкора судловга мурожаат этиш шубҳасиз жиноят ёқасига келиб қолганларни бу йўлдан қайтариб, ўзини йиғиштириб олишга туртки бўлмоқда. Шу мақсадда биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ ҳарбий судьялар томонидан 650 та ҳуқуқий тушунтириш тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, содир этилаётган жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиши сабабларини бартараф этишда чиқарилган хусусий ажримлар ижобий натижаларни бермоқда.

**-Суд ҳокимиятининг таъсирчанлигини ошириш ва мустақиллигини таъминлаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб бормоқда. Айтинг-чи, оширилаётган суд ислоҳотлари жараёнида ҳарбий судлар мустақиллигини таъминлаш учун яна нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

-Бу борада ҳали кўп иш қилишимиз керак. Суд ҳуқуқ-ислоҳотларига паст назар билан қараш кайфиятига чек қўйишимиз, изланиб, интилишимиз зарур.

Бунинг учун, энг аввало, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигига, мудофаа қобилияти масалаларига алоҳида эътиборни оширишимиз лозим. Тўғри, бу борада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Масалан, ҳарбий судда бир қатор қўзғатилган жиноят ишлари орқали ҳарбий техникаларга шикаст етказиш, ёнилғи-мойлаш воситаларини талон-тарож қилиш ҳолатларига чек қўйилди. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича давлат ва Мудофаа вазирлиги фойдасига 3,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундирилди.

Ҳарбий суд соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни яна қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: жамоат ва давлат хавфсизлиги судлар фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. Уларнинг сергаклиги туфайли ҳарбий муҳитда диний экстремистик ғояларни тарқатмоқчи бўлган бир қатор кишиларнинг ғараз ҳаракатларига чек қўйилди.

Албатта, булар қилиниши лозим бўлган ишларнинг бир қисми холос. Суд мустақиллиги, хусусан, ҳарбий судлар мустақиллигини таъминлаш учун, аввало фуқароларда, шунингдек ҳарбий хизматчиларда қонунга ҳурмат ҳиссини, ундан паноҳ топиш кўникмасини тўла шакллантириш керак. Ҳарбий хизматчиларда Ватанпарварлик туйғуси баланд бўлиши, у жисмонан ҳам, маънан ҳам етук фуқаро бўлиши зарур. Аслида ватанпарварлик-қонунга бўлган ҳурмат деб тушунилса тўғри бўлади. Ватанини, она юртини севган одам табиийки, қонунларига ҳурмат билан қарайди, унга муҳаббат ,эътиқод қўяди.

**Суҳбатдош:Маъмуржон ҚИЁМОВ.**



«—Эккан ушбу кўчатларимиз худо хоҳласа фаровонликка хизмат қилади».

